

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
НАМАНГАН МУҲАНДИСЛИК-ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТИ**

“ТЕХНОЛОГИЯ” ФАКУЛЬТЕТИ

“МЕНЕЖМЕНТ ” КАФЕДРАСИ

ИННОВАЦИОН МЕНЕЖМЕНТ фанидан

РЕФЕРАТ

**Мавзу: ИҚТИСОДИЁТНИ МОДЕРНИЗАЦИЯЛАШ ЖАРАЁНИДА
ИННОВАЦИОН ФАОЛИЯТНИ ТАШКИЛ ЭТИШНИНГ НАЗАРИЙ
АСОСЛАРИ**

Бажарди

1-МЖ-11 гуруҳ талабаси
Ғайбуллаев Ғайрат

Қабул қилди::

асс. Э.Шерматов

Наманган-2015

Аннотация

Ғайбуллаев Ғайратнинг Ишлаб чиқариш корхоналарида инновацион фаолият самарадорлигини баҳолаш мавзусидаги рефератида ишлаб чиқариш корхоналарида инновацион фаолият самарадорлигини баҳолашни такомиллаштиришга йўналтирилган таклифлар берилган.

Рефератда иқтисодиётни модернизациялаш жараёнида инновацион фаолиятни ташкил этишнинг назарий ва иқтисодий жиҳатдан тавсифи келтирилган. Унда иқтисодиётни модернизация қилишнинг моҳияти, мақсади ва ҳаракатлантирувчи кучлари, хорижий давлатларда инновацион фаолиятни ташкил этиш моделлари ва йўллари, ишлаб чиқариш корхоналарида инновацион фаолиятни ташкил этиш масалалари назарий жиҳатдан кўриб чиқилган.

Хулоса қисмида олиб борилган изланишлар натижасидан фойдаланиб мавзуга оид фикрлар умумлаштирилган ва улар асосида тавсиялар ишлаб чиқилган

Рефератнинг асосий мақсади, бошқарувнинг ташкилий тузилмасини лойиҳалаштириш бўйича замонавий ёндашувлар ва тавсиялар ишлаб чиқиш.

МУНДАРИЖА

КИРИШ.....	4
1. Иқтисодийни модернизация қилишнинг моҳияти, мақсади ва ҳаракатлантирувчи кучлари.....	7
2. Хорижий давлатларда инновацион фаолиятни ташкил этиш моделлари ва йўллари.....	7
3. Ишлаб чиқариш корхоналарида инновацион фаолиятни ташкил этиш...	10
Хулоса ва таклифлар.....	17
. Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.....	

Кириш

Инновацион жараён инновацион ўзгаришларни тайёрлаш ва амалга оширишдан иборат бўлади ва ягона, мажмуавий бутунликни ташкил қилувчи ўзаро боғланган босқичлардан вужудга келади. Бу жараён натижасида амалга оширилган, фойдаланилган ўзгариш - инновация пайдо бўлади. Инновацион жараённи амалга ошириш учун диффузия (янги шароитлар ёки қўллаш жойларида бир марта ўзлаштириб ёки фойдаланиб бўлинган инновацияни вақтда тарқалиши) катта аҳамиятга эга. Инновацион жараён даврий характерга эга. Бу жиҳатларни ҳисобга олиш иқтисодий ташкил қилиш ва бошқаришнинг эгилувчан тизимларини яратишга ёрдам беради.

2009 – 2012 йилларга мўлжалланган инкирозга қарши дастурнинг асосий вазифаларидан бири корхоналарни модернизациялаш, техник ва технологик ва технологик қайта жиҳозлашни янада жадалроқ ўтказиш, замонавий ихчам технологияларни кенг тадбиқ этишдан иборатдир.¹

Мамлакатни модернизациялаш учун дастлаб мамлакат иқтисодийтини, шу жумладан, саноатнинг ҳозирги ҳолатини чуқур ва аниқ баҳолаш лозим. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов таъкидлаганларидек, иқтисодийни модернизациялашнинг мақсади - мамлакат иқтисодийнинг янгилаш, фан сиғимкорлиги юқори бўлган устувор соҳаларни ривожлантириш асосида мамлакат иқтисодийтини инновацион ривожлантириш йўлига ўтказиш, мамлакат миллий иқтисодийнинг рақобатбардошлигини ошириш ва аҳолининг ўсиб, ўзгариб бораётган эҳтиёжларини тўлароқ қондириш ҳисобланади. Иқтисодийни модернизациялашга иқтисодий вазифа сифатида ёндашиш зарур ва иқтисодийдаги номутаносибликларнинг заиф жойларини аниқлаб, модернизациялаш стратегиясини ишлаб чиқиш лозим.

Миллий иқтисодийни модернизациялаш стратегиясини ишлаб чиқиш учун тараққий этган мамлакатлар иқтисодий ва экспорти таркибини чуқур таҳлил қилиш ва қандай иқтисодий турини қўлишимизни аниқлаб олишимиз лозим. Ана шундан сўнг Ўзбекистон иқтисодийида қайси тармоқлар етакчи бўлиши керак, қандай куч ва ресурсларга асосланиши - қандай натижаларга эришиши мумкинлигини аниқ белгилаб олиш лозим. Модернизациялаш мақсадига мамлакат иқтисодийи таркибини ва ривожланиш ҳолатини чуқур таҳлил қилмасдан ва эришилиши кўзда тутилган намуналар билан қиёсий таққослашсиз эришиб бўлмайди. Шунинг учун мамлакатимиз иқтисодийини ҳар томонлама модернизациялашни амалга оширишга қаратилган стратегияни ишлаб чиқишимиз лозим. «Инкирозга қарши чоралар дастурини амалга оширишда инвестицияларни жалб этиш, аввало, ички манбаларни сафарбар этиш ҳисобидан иқтисодийимизнинг муҳим тармоқларини жадал модернизация қилиш, техник ва технологик қайта жиҳозлаш, транспорт коммуникацияларини янада ривожлантириш ва ижтимоий инфратузилма объектларини барпо этиш ҳал қилувчи устувор йўналишга айланди»².

Ҳозирги кунда Мустақил Ўзбекистонда иқтисодий ислохотларни амалга ошириш, халқнинг муносиб турмуш даражасини таъминлаш ва ижтимоий йўналтирилган барқарор очик бозор иқтисодийини ривожлантириш бўйича муҳим тадбирлар амалга оширилмоқда.

Бундай реал иқтисодий ривожланиш босқичи мураккаб ва узок муддатни талаб қилади. Лекин бу йўлда албатта муаммолар мавжуд бўлиб, уларни бартараф этиш асосий мақсадимиз деб қўйилган. Корхонада иқтисодий танқисликка барҳам бериш, иқтисодий самарадорликни ошириш учун ишлаб чиқаришнинг умумий тизимларини ташкил этиш, ускуна, ҳом ашё, моддий техника базаларини, технологияларини

¹. Каримов И.А “Жаҳон молиявий-иқтисодий инкирози, Ўзбекистонда уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари”. Тошкент, “Ўзбекистон”, 2009.

² Каримов И.А. Асосий вазифамиз-ватанимиз тараққиёти ва ҳарқимиз фаровонлигини янада юксалтиришдир.-Тошкент. «Ўзбекистон», 2010.43-б

ўрганиш ҳамда миллий иқтисодиётни жаҳон ҳўжалиги билан муносабатларини тиклаш реал иқтисодий ривожланиш босқичининг асосий мақсадидир.

Модернизация — жамиятнинг ижтимоий-иқтисодий институтлари ва иқтисодий асосининг ҳар томонлама янгиланишини билдиради. Модернизация бу аниқ ҳаракатлар дастури бўлиб, иқтисодиётни барқарор суръатларда ривожлантириш, мамлакатимизни дунёдаги тараққий этган мамлакатлар қаторига олиб чиқиш йўлига ўтказиш воситасидир.

“2013 йил ва яқин келажакка мўлжалланган дастуримизни амалга оширишда иқтисодиётимиз ва унинг етакчи тармоқларини модернизация қилиш, техник ҳамда технологик янгиланишни жадаллаштириш ва унинг кўламини кенгайтириш, ишлаб чиқаришни диверсификация қилиш марказий ўрин тутиши даркор”³

Инновация жараёнлари маҳсулотни яратишни тезлаштиришга ҳам катта эътибор бериши лозим. Баъзан бунга кўп йиллар кетади, бу давр ичида эса янгилик эскириши, бошқаси пайдо бўлиши ва инновация алоҳида кўринишда ҳеч қандай қийматга эга бўлмай қолиши мумкин. Янгилик қанчалик «ёш» бўлса, унинг бозордаги истиқболи шунчалик юқори бўлади. Шунинг учун танланган мавзу зозирги кунда долзарб аҳамият касб этади.

³ Каримов И.А Бош мақсадимиз – кенг кўламли ислохотлар ва модернизация йўлини қатъият билан давом эттириш 2012 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ҳамда 2013 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузаси// Халқ сўзи, 2013 йил 19 январ.

1. Иқтисодийни модернизация қилишнинг моҳияти, мақсади ва ҳаракатлантирувчи кучлари

Охирги 10 йилликда Осиё ва Лотин Америкасидаги қатор мамлакатлар модернизациялаш жараёнларини юқори технологияни экспорт қилувчи ҳудудларга айлантирди. Юқори технологиянинг қиймати ишлаб чиқариш миқёси кенгайиб борган сари арзонлашди ва улар саноат маҳсулотларини экспорт қилишга нисбатан самарали бўлиб қолди. Натижада ривожланган мамлакатларда ўта мураккаб ва капитал сиғимкорлиги юқори бўлган микрочип ва фармоцевтика маҳсулотлари ҳам модернизациялашни ҳаракатлантирувчи тармоқларга айланди.

Мамлакатни модернизациялаш учун дастлаб мамлакат иқтисодийтини, шу жумладан, саноатнинг ҳозирга ҳолатини чуқур ва аниқ баҳолаш лозим. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов таъкидлаганларидек, иқтисодийни модернизациялашнинг мақсади - мамлакат иқтисодийтининг янгилаш, фан сиғимкорлиги юқори бўлган устувор соҳаларни ривожлантириш асосида мамлакат иқтисодийтини инновацион ривожлантириш йўлига ўтказиш, мамлакат миллий иқтисодийтининг рақобатбардошлигини ошириш ва аҳолининг ўсиб, ўзгариб бораётган эҳтиёжларини тўлароқ қондириш ҳисобланади. Иқтисодийни модернизациялашга иқтисодий вазифа сифатида ёндашиш зарур ва иқтисодийдаги номутаносибликларнинг заиф жойларини аниқлаб, модернизациялаш стратегиясини ишлаб чиқиш лозим.

Миллий иқтисодийни модернизациялаш стратегиясини ишлаб чиқиш учун тараққий этган мамлакатлар иқтисодий ва экспорти таркибини чуқур таҳлил қилиш ва қандай иқтисодий турини қуришимизни аниқлаб олишимиз лозим. Ана шундан сўнг Ўзбекистон иқтисодийида қайси тармоқлар етакчи бўлиши керак, қандай куч ва ресурсларга асосланиши - қандай натижаларга эришиши мумкинлигини аниқ белгилаб олиш лозим. Модернизациялаш мақсадига мамлакат иқтисодийи таркибини ва ривожланиш ҳолатини чуқур таҳлил қилмасдан ва эришилиши кўзда тутилган намуналар билан қиёсий таққослашсиз эришиб бўлмайди. Шунинг учун мамлакатимиз иқтисодийини ҳар томонлама модернизациялашни амалга оширишга қаратилган стратегияни ишлаб чиқишимиз лозим. «Инқирозга қарши чоралар дастурини амалга оширишда инвестицияларни жалб этиш, аввало, ички манбаларни сафарбар этиш ҳисобидан иқтисодийимизнинг муҳим тармоқларини жадал модернизация қилиш, техник ва технологик қайта жиҳозлаш, транспорт коммуникацияларини янада ривожлантириш ва ижтимоий инфратузилма объектларини барпо этиш ҳал қилувчи устувор йўналишга айланди»⁴.

Модернизация инглиз лексиконидаги modern (лотинчада modernus) сўздан олинган бўлиб, 1500 йилдан буён «замонавий, қадимий бўлмаган, бугунги кунда пайдо бўлган» деган, маънони англатиб келмоқда. Ушбу тушунча Ренессанс даврида ўқимишли кишилар томонидан Ғарбнинг Ўрта аср қоронғилигидан чиқиш йўли сифатида тилга олинган. Модерн тушунчаси англандан тараққий билан боғлиқ қарама-қарши тушунча ҳисобланади.

Модернизация — жамиятнинг ижтимоий-иқтисодий институтлари ва иқтисодий асосининг ҳар томонлама янгиланишини билдиради. Модернизация бу аниқ ҳаракатлар дастури бўлиб, иқтисодийни барқарор суръатларда ривожлантириш, мамлакатимизни дунёдаги тараққий этган мамлакатлар қаторига олиб чиқиш йўлига ўтказиш воситасидир.

“2013 йил ва яқин келажакка мўлжалланган дастуриимизни амалга оширишда иқтисодийимиз ва унинг етакчи тармоқларини модернизация қилиш, техник ҳамда технологик янгилашни жадаллаштириш ва унинг кўламини кенгайтириш, ишлаб чиқаришни диверсификация қилиш марказий ўрин тутиши даркор”⁵

⁴ Каримов И.А. Асосий вазифамиз-ватанимиз тараққийи ва халқимиз фаровонлигини янада юксалтиришдир. -Тошкент. «Ўзбекистон», 2010. 43-б

⁵ Каримов И.А Бош мақсадимиз – кенг кўламли ислохотлар ва модернизация йўлини қатъият

Иқтисодийни модернизациялаш моделларининг ҳар бири ўзига хос хусусиятлари билан ажралиб туради. Шу билан бирга, ушбу жараёни ҳаракатлантирувчи тармоқлар турли мамлакатларда умумий, ўхшаш жиҳатларга ҳам эга.

Модернизация жараёнини ҳаракатлантирувчи тармоқлар - бу аграр (ишчи кучидан фойдаланиш) ёки ресурс (зарур инвестициялар) тармоқлар асосида шакллантирилган оммавий ишлаб чиқаришга ихтисослашган саноат тармоқларидир. Биринчи ҳолатда, /арбий Европа мамлакатлари ва АҚШ (XIX аср), Корея Республикаси, Хитой ва Малайзияни (XX аср), иккинчи ҳолатда Форс кўрфази мамлакатлари - Бирлашган Араб Амирликлари (БАА) ва Қатарни мисол қилиб келтиришимиз мумкин. Россия эса модернизациялашнинг устувор тармоқлари сифатида самарали ва янги ёқилги турлари, медицина технологиялари ва фармацевтика, ядро энергетикаси, инфор­мацион технологиялар, космос ва телекоммуникацияларни белгилаб олди⁶.

Таҳлиллар кўрсатишича, иқтисодий тармоқларини модернизациялашга қуйидаги хусусиятлар хос бўлиши зарур:

- тармоқлар оммавий ишлаб чиқаришга йўналтирилган бўлиши лозим;
- тармоқлар хом ашёга тўлиқ боғлиқ бўлмаслиги, яъни юқори қўшилган қиймат улушига эга бўлиши керак;
- янги технологияларни қўллаш ва уларга бўлган талабни қўллаб-қувватлаш зарур;
- меҳнат сиғимкорлиги юқори бўлиши ва ушбу тармоқларни ривожлантиришдан манфаатдор ишчилар гуруҳи шакллантирилиши лозим;
- модернизация учун асос бўлган тармоқлар, биринчи навбатда, жаҳон бозорига ва ундан кейингина ички бозорга йўналтирилган бўлиши лозим.

Жаҳон амалиётининг кўрсатишича, Осиё мамлакатларида кемасозлик, автомобилсозлик, кейинги босқичларда аудио ва видео техникалар ишлаб чиқариш, компьютер ва ахборотлар индустрияси тармоқлари иқтисодийни модернизациялашнинг ҳаракатлантирувчи тармоқлари сифатида ривожлантирилган. Ушбу тармоқларнинг ривожланиши ғарбда эришилган илғор технологияларни ўзлаштиришни талаб этади. Масалан, Японияда 1960-1970 йилларда технологиялар импорти уларнинг экспортидан саккиз баравар кўп бўлган. Ушбу тармоқлар қисқа муддатда оммавий ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш имконини берган. Жумладан, Корея Республикасида 2000 йилда умумий тоннажи 12,2 млн. тоннага тенг (жаҳон тоннажининг 54% и) савдо кемаларини ишлаб чиқарган. 1990 йилларнинг охирида жаҳонда мобиль телефонлар ишлаб чиқаришнинг 34% Малайзия ҳиссасига тўғри келган. 2000 йилда жаҳон компьютерлар ишлаб чиқариш ҳажмининг 39%, телевизорларнинг 42% , оргтехника ва офис ускуналарининг 50% дан ортиғи Хитойда ишлаб чиқарилган. Ушбу тармоқлар «микёс таъсири» натижасидаги авзалликлар туфайли ҳеч қачон ички бозорга йўналтирилмаган. Масалан, Корея Республикасида 1967 йили мамлакатда 165 000 та автомобиль мавжуд бўлгани ҳолда, 300 000 та автомобиль ишлаб чиқаришга мўлжалланган завод қурилган. Иқтисодий ўсишнинг етакчи ишлаб чиқариш тармоқларида хом ашё ва энергия сарфи тайёр маҳсулот қийматининг 10-12% дан (электроника) 22-25% гача (кемасозлик) ташкил этган⁷. Иқтисодийни модернизациялаш туфайли яратилган янги тармоқларда модернизация жараёнини давом эттиришдан манфаатдор оммавий ишчи синфи пайдо бўлди. Масалан, 1990 йилларнинг охирида Малайзияда ишчиларнинг 14% и электроника саноатида, Кореяда ишчилар-нинг 11% и кемасозлик ва автомобилсозлик саноатида, Хитойда ишчиларнинг 10% и оргтехника ишлаб чиқаришда банд бўлган. Охириги 25-30 йил ичида Осиё мамлакатлари иқтисодийни «модернизациялаш локомотивлари» жаҳон иқтисодийида реал воқеликка айланди.

билан давом эттириш 2012 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш яқунлари ҳамда 2013 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузаси// Халқ сўзи, 2013 йил 19 январ.

⁶ Дворкович А. Элита плюс общество. // Ведомости, 21.01.10

⁷ Ноземцев В. Локомотивы роста // Ведомости, 20.04.2009

Охирги 10 йилликда Осиё ва Лотин Америкасидаги қатор мамлакатлар модернизациялаш жараёнларини юқори технологияни экспорт қилувчи ҳудудларга айлантирди. Юқори технологиянинг қиймати ишлаб чиқариш миқёси кенгайиб борган сари арзонлашди ва улар саноат маҳсулотларини экспорт қилишга нисбатан самарали бўлиб қолди. Натижада ривожланган мамлакатларда ўта мураккаб ва капитал сиғимкорлиги юқори бўлган микрочип ва фармоцевтика маҳсулотлари ҳам модернизациялашни ҳаракатлантирувчи тармоқларга айланди.


Модернизацион ўзгаришлар миллий иқтисодиётда қуйидаги муаммоларни ҳал этиш имконини беради:

-иқтисодиётда жадал суръатларда таркибий ўзгаришларни амалга ошириш;

-аҳоли турмуш даражасини ошириш;

-жаҳон иқтисодиётида муносиб ўрин эгаллади.

Мамлакатимизда Инқирозга қарши чоралар дастурини амалга оширишда инвестицияларни жалб этиш, аввало, ички манбаларни сафарбар этиш ҳисобидан иқтисодиётимизнинг муҳим тармоқларини жадал модернизация қилиш, техник ва технологик қайта жиҳозлаш, транспорт коммуникацияларини янада ривожлантириш ва ижтимоий инфратузилма объектларини барпо этиш ҳал қилувчи устувор йўналишга айланди (1.1.1-расм).



1.-расм.

Юқорида таъкидланганидек, мамлакатимизда инвестицияларни жалб этишда аввало ички манбаларни сафарбар этишга устувор аҳамият қаратилмоқда. Бу янги ишлаб чиқаришни ташкил этиш ёки мавжуд ишлаб чиқариш қувватларини янада кенгайтиришда инвесторларнинг ўз молиявий ресурслари – корхона фойдаси, амортизация ажратмалари, пул жамғармалари ва бошқалардан кенгроқ фойдаланиш зарурлигини англатади. Чунки, ички манбаларнинг тўлиқ сафарбар этилиши, бир томондан, мавжуд иқтисодий ресурслардан тежамли ва оқилона фойдаланишни таъминласа, бошқа томондан, инвестицияларнинг самарадорлигини оширади.

Мамлакат миқёсидаги инвестиция фаолиятини самарали амалга ошириш мақсадида **инвестиция дастури** ишлаб чиқилади.

Инвестиция дастурларида муайян даврда амалга оширилиши мўлжалланган лойиҳалар, уларнинг бажарилиш босқичлари ва сарфланиши кўзда тутилган маблағлар қиймати ҳудудлар ва тармоқлар бўйича акс эттирилади. Инвестиция дастурлари узоқ муддатга мўлжалланган бўлиб, унда ҳар бир йил учун мўлжалланган чора-тадбирлар алоҳида ифодаланган бўлади.

Шунингдек, мамлакатимизда техник модернизациялаш бўйича **тармоқ дастурлари** ҳам ишлаб чиқилиб, уларда иқтисодиётимизнинг етакчи тармоқларини техник ва технологик жиҳатдан қайта жиҳозлаш, ишлаб чиқаришнинг замонавий андозаларига ўтиш, тежамкор ва самарали технологияларни қўллаш каби чора-

тадбирларни амалга ошириш кўзда тутилади.

Жумладан, мамлакатимизда 2009-2014 йилларга мўлжалланган ишлаб чиқаришни модернизациялаш, техник ва технологик қайта қурулантириш бўйича муҳим лойиҳаларни амалга ошириш чоралари дастури умумий қиймати 42,51 млрд. долл.дан иборат 852 та инвестиция лойиҳасини ўз ичига олади.

Президентимизнинг мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси ҳамда 2011 йилнинг асосий яқунлари ва 2012 йил Ўзбекистонни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг устувор йўналишларига бағишланган маърузасида Ватан равнақи, юрт тинчлиги, халқ фаровонлигини таъминлаш мақсадида чет эл инвестицияларини жалб этишга стратегик устувор вазифа сифатида қаралиб, мазкур масала давлат иқтисодий сиёсатининг муҳим йўналиши этиб белгиланган.

Хукуматимиз томонидан қулай инвестиция сиёсатини олиб бориш мақсадида қуйидаги тамойилларга устувор аҳамият қаратилмоқда: ташқи иқтисодий фаолиятни янада эркинлаштириш; республика иқтисодиётига тўғридан-тўғри капитал қўйилмаларнинг кенг жалб қилинишини таъминловчи ҳуқуқий, ижтимоий-иқтисодий ва бошқа шароитларни янада такомиллаштириш; юртимизга жаҳон даражасидаги технологияларни олиб кирувчи, миллий хўжаликнинг замонавий тузилмасини ташкил этишга кўмаклашувчи чет эл инвесторларига нисбатан қулай шароитлар яратиш сиёсатини изчил олиб бориш; энг муҳим устувор йўналишларга маблағларни йўналтириш⁸. Бундан кўринадики, корхоналарни техник ва технологик жиҳатдан қайта жиҳозлаш, замон талабларига мос бўлган товар ва хизматларни ишлаб чиқариш ва айниқса, жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозининг кейинги тўлқинлари зарбасига ижтимоий-иқтисодий талофатларсиз бардош бериш, уларнинг салбий оқибатларини бартараф этиш билан боғлиқ масалаларни ҳал этишда комплекс ёндашувларга урғу берилмоқда. Юртбошимиз таъкидлаганидек, "... жаҳон захира валюталарининг беқарорлиги, молия-банк тизими кредит қобилятининг кескин пасайиши ва инвестициявий фаолликнинг сусайиши билан боғлиқ мураккаб муаммолар кўплаб давлатлар иқтисодиётнинг тикланиш ва ўсиш суръатларига таъсир кўрсатмоқда"⁹.

2. Хорижий давлатларда инновацион фаолиятни ташкил этиш моделлари ва йўллари

Жаҳон амалиётида иқтисодиётни модернизациялашнинг қуйидаги уч модели фаркланади: инқилобий; табиий ва қувиб етадиган модернизация.

Табиий ва қувиб етадиган модернизациялаш модели ўртасидаги фарқ нимадан иборат? Улар ўртасидаги асосий фарқ давлатнинг тутадиган ўрнидан иборат. Табиий модернизациялаш сценариялари, ривожланиш вариантлари ва тизимининг ўзига хос хусусияти, унинг умумий эгилувчанлигининг юқорилиги билан белгиланади. қувиб етадиган модернизациялашда давлатнинг етакчи ўрин тутиши ягона тўғри ривожланиш йўналишини танлашда хатоликка йўл қўйиш эҳтимолини ва ҳаракатлантирувчи кучлар кескинлигини ошириб, тизимли рисклар ва иқтисодий ўсиш суръатларининг пасайишини кучайтиради. Ушбу даврда иқтисодий ривожланиш учун маъмурий давлат эмас, балки катта ҳамкор талаб этилади.

Инқилобий модернизация модели қолоқ мамлакатларда содир бўлади, чунки бошқа йўл билан тараққий этган мамлакатларга етиб бўлмайди.

Жаҳон амалиёти кўрсатишича, мамлакатларнинг халқаро меҳнат тақсимоотидаги ўрнининг яхшиланишида энг муваффақиятли йўл табиий модернизациялаш

⁸ Собиров А. Ўзбекистон Республикасига хорижлик инвесторларни жалб қилиш шакллари. /Иқтисодиёт ва таълим, 2011 й., 5-сон.

⁹ Ислон Каримов. 2012 йил Ватанимиз тараққиётини янги босқичга кўтарадиган йил бўлади. Т.: Ўзбекистон, 2012 йил, 4-бет.

ҳисобланади. Табиий модернизациялаш деганда шундай модернизациялаш тушуниладики, унда модернизациялаш жараёнлари мамлакат ресурсларига асосланган ҳолда бутун жамият манфаатларини қондириш учун табиий равишда амалга оширилади. Ушбу модернизациялашга АҚШнинг XIX аср охири ва XX аср бошларидаги жадал суръатларда ривожланишини, Иккинчи жаҳон урушидан кейинги Германия, Франция, Япониянинг модернизацияланишини, Ирландиянинг XXI аср бўсағасида янги модернизацияланишини мисол қилиб келтириш мумкин.

Жаҳон иқтисодиётини модернизациялаш амалиёти босқичларини чуқур таҳлил қилиш табиий модернизациялаш модели учун қуйидаги белгилар хос эканлигини аниқлаш имконини бери:

Биринчидан, модернизациялаш ёки уни амалга ошираётган авлоднинг мақсадини аниқ белгилаб олиш лозим. Масалан, америкача модернизациялаш ўз олдига эркин жамият қуриш вазифасини қўйган эди. Шу билан бир қаторда, Германия ва Япониядаги Иккинчи жаҳон урушдан кейинги модернизациялашнинг мақсади идеологик жиҳатдан урушда мағлуб бўлишдан сўнг тикланиш қобилятига эга эканлигини исботлаб кўрсатиш эди.

Иккинчидан, миллатнинг ҳамма қатламларининг, бирлашуви. Россия мутахассисларининг фикрича¹⁰, модернизация жараёнида фаол қатнашувчи аҳолини қуйидаги беш табақага бўлиш мумкин:

- а) миллат ғоясини элтувчи сиёсатчилар;
- б) ресурсларни самарали тақсимлаш ғоясини элтувчи тадбиркорлар;
- в) мамлакат тараққиёти истиқболини олдивдан кўра билувчи, башоратловчилар; г) модернизацияни ташкил этувчи хизматчилар;
- д) жамият ҳавфсизлигини кафолатловчи кучли институтлар.

Юқоридаги аҳолининг турли қатламларининг бирлашуви миллатнинг самарали модернизациялаш сиёсатини амалга ошириш имконини беради.

Агар аҳолининг турли қатламлари ўртасида келишмовчиликлар, ихтилофлар бўлса, бирлик бўлмагани ҳолда ҳам инқилобий модернизациялаш учун шарт-шароитлар вужудга келади. Ҳозирда Россияда модернизациялаш сиёсатини амалга оширишдаги асосий муаммо миллатнинг фаол қатламлари ҳисобланган технократ зиёлилар ва хусусий тадбиркорларнинг ушбу сиёсатни амалга оширишга етарли даражада жалб этилмаганлиги ҳисобланади.

Учинчидан, ўз кучига суяниш ва ишониш. Модернизациялашнинг ушбу белгиси америкалик иқтисодчи М.Портернинг «ташқи технология ва товарлар бозорининг барқарор ва самарали ривожланиши учун ушбу товарлар ва хизматлар катта сиғимли ички бозорга эга бўлиши лозим, яъни янги товарлар мамлакат ички бозорда харидорни топгандан сўнг миллат қатламларининг бирдамлиги, жипслиги автоматик тарзда кучаяди ва мамлакатда йирик, замонавий компаниялар пайдо бўлиб, ушбу жараённинг негазига айланади» деган, ғоясига асосланади. Модернизациялаш жараёнининг кучайиши ва чуқурлашувида мамлакатнинг кучли молия тизими муҳим роль ўйнайди. АҚШда модернизациялаш жараёнида Федерал Резерв тизими (ФРТ) ва Японияда ўзига хос кучли, самарали молия-саноат тизими яратилди. Мустақил молия тизимининг яратилиши ҳамда модернизациялаш туфайли иқтисодиёт самарадорлигининг кескин ўсиши мамлакат миллий валютаси харид қобилятини оширади ва жаҳон молия бозоридага мавқеини кучайтиради. Мамлакатнинг халқаро меҳнат тақсимотида қатнашиш стратегиясини аниқ белгилаб олиш лозим. Табиий модернизациялаш мамлакатнинг пухта, яхши ўйланган ривожланиш хатти-ҳаракати бўлиб, миллатни ортқча жалб этишни кескинлаштириш талаб этилмайди ва пировард натижада мамлакат халқаро меҳнат тақсимотида ўзи учун қулай, муҳим ўринни эгаллайди.

Қувиб етадиган модернизациялаш моделининг муҳим белгиси давлатнинг жамиятда

¹⁰ Статья нацией, которая чего-то стоит. // Эксперт, № 1, (28-12), 2009. с.48.

гипертрофлашган роль ўйнашидан иборатдир. Ушбу моделда ривожланаётган мамлакатларда жамиятни жорий бошқариш билан чуқур, моҳиятан иқтисодий модернизациялаш манфаатлари қарама-қарши туради. Ушбу ҳолатни Эронда XX аср охирида амалга оширилган модернизациялаш сиёсатида кузатиш мумкин. +увиб етадиган модернизациялашни амалга ошириш Шарқий Осиё мамлакатларида муваффақиятли содир бўлган. Корея Республикаси, Тайвань, Хитой иқтисодий қолоқликни бартараф этмоқдалар. Ушбу мамлакатлар муваффақиятининг муҳим сабабларидан бири шундаки, улар ўзларининг асосий кучларини хорижий мамлакатлар тажриба ва ёндашувларини кўр-кўрона кўчириб олишга эмас, балки ўз иқтисодиётининг тараққий этган мамлакатлар хўжалигига табиий қўшилишига эътибор қаратдилар.

Иқтисодиётни модернизаациялаш жараёнида Япония, Корея Республикаси ва Тайвань миллий капиталнинг ривожланишида хорижий капитални жалб этишга нисбатан устуворлик бердилар. Ушбу мамлакатларда давлат маблағлари ҳисобига корхоналар қурилди ва хусусий компанияларга берилди. Корея Республикасида марказлашув даражаси юқори бўлиб, 1961 йилда банк тизими национализация қилинди. Корея Япониядан фарқли ўлароқ, устувор тармоқларни белгилаб олди ва уларга давлат ёрдами кўрсатди.

Корея иқтисодиётини модернизациялашда ишлаб чиқарилган маҳсулот миллий ички бозор катта бўлмагани учун экспортга йўналтирилди. Экспорт давлат томонидан солиқ имтиёзлари, субсидиялаш, имтиёзли кредитлар бериш орқали қўллаб-қувватланди. Япония урушдан кейин кичик ва ўрта корхоналарни модернизациялашга устуворлик берган бўлса, Корея мамлакат ресурслари оз бўлганлиги учун йирик компаниялар ва молия гуруҳларини (чеболлар) қўллаб-қувватлашга асосий урғу берди.

Юқоридагиларни умумлаштирган ҳолда Шарқий Осиё мамлакатларида иқтисодиётни модернизациялаш учун хос қуйидаги белгиларни ажратиш мумкин:

-Япония, Корея Республикаси, Тайванда иқтисодиётни модернизациялаш асосида ер ислохоти ётди;

-ривожланган молия (банк) тизимининг яратилганлиги.

Ушбу мамлакатларда шаклланган молия-саноат гуруҳлари таркибига қонун йўли билан тижорат банклари киритилмади ва улар хусусийлаштирилди;

-режалаштириш ва табиий бозор ривожланишининг натижаси бўлган ўзига хос саноат сиёсати амалга оширилди.

Ўтиш мамлакатлари иқтисодиётини модернизациялашда Хитой тажрибаси эътиборга моликдир. Хитой иқтисодиётини модернизациялаш қуйидаги тамойилларга асосланди¹¹:

1. Давлат тасарруфидаги корхоналарни сақлаб қолиш ва юқори технологик тараққиётни белгиловчи янги корхоналарни ташкил этиш ташаббусини қўллаб-қувватлаш. Масалан, Хитойда 1997-2008 йилларда анъанавий тармоқлар ҳисобланган нефть қазиб чиқариш 27%, пўлат эритиш 3,3 марта ўсган ҳолда, илғор, фан сиғимкорлиги юқори бўлган тармоқлар бўлмиш автомобиллар - 9,1 марта, компьютерлар ва оргтехника - 13,8 марта, мобиль телефонлар ишлаб чиқариш 23 мартага кўпайди.

2.Хитой иқтисодиётини модернизациялаш тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар ва юқори технологияни жалб этишга асосланган. 2008 йилга келиб мамлакатда жамланган (Гонконгни қўшиб ҳисоблаганда) тўғридан тўғри хорижий инвестициялар ҳажми 964 млрд. долларга етди. Мамлакатда яратилган 132 та йирик саноат компанияларининг ишлаб чиқариш қувватлари жаҳондаги 200 та энг катта трансмиллий саноат компаниялари таркибига кириб, уларнинг ҳиссасига 2007 йилда саноат ишлаб чиқаришнинг 30,9% и тўғри келди.

3. Хитойликлар ғарб технологиясини ўрганиб, мамлакатда инновацион нусха кўчиришнинг стратегиясини амалга оширдилар. Мамлакатда электротехника маҳсулотлари, ускуналари ва автомобиллар ишлаб чиқарувчи ғарб корхоналари пайдо бўлганидан 3 - 5 йил ўтиб худди шундай товарлар ишлаб чиқарувчи хитой корхоналари

¹¹ Иноземцев В. Учиться у Китая // Ведомости, 19.12.2009

вужудга келди. Масалан, 2000-2002 йилларда Хитойда ғарб мамлакатларининг автомобиль йиғувчи заводлари йилига 1,7 млн. дона машина йиғиб чиқарган бўлса, 2008 йилда 13 та шундай заводлар 2,1 млн. дона автомашина ишлаб чиқарган ҳолда Хитой заводлари 7,3 млн. дона автомашина ишлаб чиқардилар.

Мамлакатда ўз товарларини жаҳон бозорига олиб чиқишни қўллаб-қувватлаш орқали модернизация самарадорлиги оширилди. Охириги 10 йил мобайнида Хитойда саноат маҳсулотлари экспорти 7,4 марта ўсди. Ушбу мақсадга эришиш учун ҳамма нарса, шу жумладан, ички ва ташқи сиёсат маҳаллий ишлаб чиқарилган маҳсулотни экспортга йўналтиришни қўллаб-қувватлашга қаратилди. Экспортёрларни кредитлаш механизми яратилди.

1990 йилларнинг ўрталаридан бошлаб Хитойдаги модернизациялаш лойиҳаларининг етакчи элементи инфратузилмани ривожлантиришдан иборат бўлди. 1995-2008 йилларда Хитойдаги автомобиль йўллари узунлиги 3,1 марта, темир йўллар узунлиги 40% га, электроэнергия ишлаб чиқариш миқдори 2,8 марта кўпайди. Сўнгги 5 йилда 3,1 млрд. кв. метр уй-жой қурилди. Мамлакатга жаҳондаги 50та энг йирик денгиз портининг 17 таси, 50 та энг йирик аэропортларнинг 6 таси тўғри келади ҳамда дунё савдо флотининг 11% тегишлидир.

Давлат иқтисодиёт билан бирга институт сифатида ҳам ўзини модернизациялаштирди. Бошқарув аппаратида ишловчилар малакаси, касбий маҳорати тубдан янгиланди, коррупция ва порахўрликда айбланган кўплаб давлат хизматчилари жазоланди ва истеъфога чиқарилди.

Хитойдаги иқтисодий мўъжиза сабаби эса иқтисодий ислохотларни амалга ошириш йилларида инвестиция нормаси ва экспортнинг ялпи ички маҳсулотдаги улушининг ортиши, кучли протекционизм сиёсатини амалга ошириш билан боғлиқдир.

Ўтиш иқтисодиёти мамлакатларининг айримларида модернизациялаш борасида олиб борилаётган чора-тадбирларни таҳлил қилиш алоҳида қизиқиш уйғотади. 2009 йилда Россияда миллий элита томонидан модернизациялаш идеологияси ишлаб чиқилди.

Россия иқтисодиётини модернизациялаш икки муҳим компонентни ўз ичига олади:

- а) мамлакат ичида инновацион ва технологик кашфиётлар, янгиликларни яратиш;
- б) иқтисодиёт-нинг реал секторида фойдаланиш учун юқори технология ва ускуналарни самарали импорт қилиш.

Мамлакатда инновацион фаолият ривожлана борган сари инновацияни импорт қилишдан ички ишлаб чиқаришга ўтиш керак. Технологиянинг йирик истеъмолчисидан, технология сотиладиган бозордан жаҳон бозорига глобал юқори технология етказиб берувчи мамлакатга айланиш зарур.

Россия ҳукуматининг фикрича, иқтисодиётни модернизациялаш ғояси қуйидаги беш устувор йўналишларга эга:

- самарали ёқилғи ва янги турдаги ёқилғини ишлаб чиқариш;
- медицина технологиялари ва фармацевтика;
- ядро энергетикаси;
- информацион технология;
- космос ва телекоммуникация.

Модернизациялаш дастурининг пировард самараси устун даражада жамият элитасининг инновацион ўзгаришлар жараёнига реал жалб этилишига боғлиқ. Ушбу сиёсатнинг мувафаққияти давлатнинг бизнес ва жамият билан ҳамкорлиги даражасига боғлиқ.

Россиядаги модернизациялашнинг мақсади аҳолининг ижодий ва тадбиркорлик қобилиятини тўлиқ намоён этувчи, ҳамма учун баравар имконият яратувчи иқтисодий муҳитни яратиш, рақобатбардош, диверсификациялашган иқтисодиётни яратишдир. Россияни модернизациялаш - бу мамлакатни янги индустрлаштиришдан иборат бўлиб, асосий фондларни тубдан янгилаш, харажатларни оптималлаштириш, замонавий технология ва бошқарувни фаол жорий этиш асосида уни дунёдаги энг йирик саноат

миллатларнинг экспорт қилувчи 10 та мамлакат қаторига қўшишни таъминлашдан иборатдир. Модернизациялаш муваффақиятини белгилаб берувчи кўрсаткич сифатида мамлакатда ишлаб чиқарилган маҳсулотларнинг ички ва ташқи бозордаги рақобатбардошлик даражаси хизмат қилиши лозим. Шундай қилиб, мамлакатнинг истиқболдаги ривожланиш стратегияси инновацион ривожланиш ва модернизациялашнинг устувор йўналишлари бўлиб қолади.

Давлатнинг инновацион сиёсати - бу ижтимоий-иқтисодий сиёсатнинг таркибий қисмларидан бири бўлиб, илмий тадқиқотлар, ишланмалар, тажриба-конструкторлик ишлари ёки бошқа илмий-техник ютуқлардан фойдаланиб яратилган янги, такомиллашган маҳсулот, юқори технологик жараёнларнинг иқтисодиётга жорий этилиши билан боғлиқ инновацион фаолиятни ривожлантириш ва рағбатлантиришга қаратилган сиёсатдир.

Инновацион сиёсатни шакллантиришда энг муҳими устувор йўналишларни аниқлаб олиш зарур ва ушбу ҳолат инновацион сиёсатнинг қуйидаги моделларини ажратиш имконини беради.

1. Умуммиллий аҳамиятга эга илмий-техник дастурлар ва лойиҳаларни амалга оширишга йўналтирилган инновацион сиёсат модели.

2. Илмий-техник билимларни оммалаштиришга йўналтирилган инновацион сиёсат модели.

Мамлакатларни амалга ошираётган инновацион сиёсатига қараб қуйидаги уч гуруҳга ажратиш мумкин:

1. Фанда етакчиликни сақлаб қолишга интилаётган мамлакатлар. Одатда, ушбу мамлакатларда инновацион циклнинг ҳамма босқичларини қамраб олувчи йирик миқёсда мақсадли лойиҳалар амалга оширилади (АҚШ, Буюк Британия, Франция).

Қулай инновацион муҳитни яратиш, иқтисодиёт таркибини оптималлаштиришга йўналтирилган мамлакатлар (Германия, Швеция, Швейцария).

Инновацион инфратузилмани ривожлантириш, жаҳондаги илмий-техник тараққиёт ютуқларини қабул қилишни таъминлаш, турли секторларнинг фан ва технологиялар соҳасидаги фаолиятларини мувофиқлаштириш йўли орқали янгиликларни рағбатлантирувчи мамлакатлар (Япония, Корея Республикаси).

Мамлакатнинг инновацион фаоллик даражаси мамлакатда қабул қилинган инновацион стратегия ва унинг кўрсаткичлари орқали белгиланади. Инновацион стратегия - бу технологиялар ва бошқарув технологияларидаги янгиликларни иқтисодий ривожланиш йўналишларига мувофиқ равишда танлаш ҳамда амалга ошириш тизимини ўзгартириш жараёнларини белгилаб берувчи қоида ва нормалар йиғиндиси.

Иқтисодиётга янгиликларни жорий этиш, фан сиғимкорлиги юқори маҳсулотларни ишлаб чиқариш ва экспорт қилишда муваффақиятга эришган мамлакатлар тажрибасини таҳлил этиш инновацион ривожланиш стратегиясининг қуйидаги турларини ажратиш имконини беради.

Кўчириб ўтказиш стратегияси - мавжуд хорижий илмий-техник салоҳиятдан фойдаланиш ва ушбу соҳадаги янгиликларни иқтисодиётга кўчириб ўтказиш билан боғлиқ стратегия. Ушбу стратегия биринчи навбатда Япония томонидан Иккинчи жаҳон урушидан кейин қўлланилган.

Ўзлаштириш стратегиясининг мазмуни шундан иборатки, унда мамлакат арзон ишчи кучи ва йўқотилаётган илмий-техник салоҳиятининг бир қисмидан фойдаланган ҳолда тараққий этган мамлакатларда аввал ишлаб чиқарилган маҳсулотни ишлаб чиқариш ўзлаштирилади. Кейинчалик мамлакат мустақил илмий-тадқиқот ва тажриба-конструкторлик ишларини амалга ошириш имконини берувчи илмий-техник салоҳиятни ривожлантиради ҳамда фаол инновацион фаолиятни таъминлайди. Ушбу стратегия Хитой ва Жанубий-Шарқий Осиёнинг қатор мамлакатларида қабул қилинган.

Яратиш стратегияси — тараққий этган мамлакатлар, аввалом-бор, А+Ш, Буюк Британия, Германия, Францияда қўлланилади. Ушбу стратегия мамлакатнинг илмий-

техник салоҳиятидан фойдаланиш, хорижлик олимлар ва конструкторларни жалб этиш, университетларнинг фундаменталь фанлари ва фирмаларнинг амалий фанларини интеграциялаштириш орқали мунтазам равишда янги маҳсулотлар, юқори технологиялар яратишни кўзда тутати. Яратилган маҳсулотлар ва юқори технологиялар ишлаб чиқариш ҳамда ижтимоий соҳага жорий этилади, яъни мунтазам равишда инновациялар яратиб, ривожлантирилиб борилади.

Жаҳон хўжалигида Транс Миллий Компаниялар (ТМК) инновацион ролининг ортиб бориши.

Инновацион фаолиятнинг инвестиция ресурслари ва миллий иқтисодиёт ҳамда алоҳида хўжалик субъектлари рақобатбардошлиги билан ўзаро алоқадорлигининг ортиши.

Давлатнинг тартибга солиш ролининг кучайиши.

Ривожланаётган ва ўтиш иқтисодиёти мамлакатларида инновацион салоҳиятни шакллантирувчи институционал муҳит ривожланган мамлакатларга нисбатан кам ривожланганлиги учун маҳаллий ишлаб чиқарувчилар рақобатбардош эмас. Шунинг учун ТМКнинг инновацион имкониятларидан фойдаланишга асосланган инновация сиёсати рақобат ва иқтисодий ривожланиш нуктаи назаридан салбий натижаларга олиб келиши мумкин.

Макродаражада инвестициялар келиб чиқишидан қатъий назар, кенгайтирилган такрор ишлаб чиқариш, илмий-техник тараққиётни жадаллаштириш, маҳсулот рақобатбардошлигани ошириш, иқти-содиётда таркибий ўзгаришларни амалга ошириш ва барча тармоқ-ларнинг мувозанатли ривожлантириш ижтимоий соҳани ривожлантириш атроф-муҳитни муҳофаза этишни таъминловчи дастаклар ҳисобланади.

Хорижий инвестицияларни жалб қилувчи мамлакатлар учун ушбу инвестицияларни оқилона жалб этиш ва фойдаланиш қуйидаги ижобий оқибатларни юзага келтиради:

-бошқарув инновацияларига эга бўлиш - маркетингни ташкил этиш ва бошқарувнинг ижобий тажрибасига эришиш;

-иқтисодий таҳлилни амалга ошириш, ҳисоб-китоб, ҳисобга олиш ва назорат қилиш учун замонавий усул ҳамда услубиятларни олиш;

-технологик инновацияларга эга бўлиш - қурилиш, саноат ишлаб чиқариш, соғлиқни сақлаш, маданият, маориф ва бошқа ижтимоий-иқтисодий муаммоларни ҳал этиш технологияларини ўзлаштириш;

-атроф-муҳитни муҳофаза қилишни яхшилаш (экологик инновациялар - экологик хавфсизликнинг замонавий воситаларини жалб этиш).

Ўтиш иқтисодиёти мамлакатларида модернизация ўзгаришлари қуйидаги муаммоларни ҳал этишни таъминлайди:

-иқтисодиёт таркибини чуқур янгилаш;

-аҳоли турмуш даражасини ошириш ва сифатини яхшилаш;

-мамлакат иқтисодиётининг халқаро меҳнат тақсимоти ва жаҳон иқтисодиётида муносиб ўрин эгаллаш.

Ўтиш иқтисодиёти мамлакатларида иқтисодиётни модернизациялаш сиёсатини амалга оширишда қуйидаги характерли хатоларга йўл қўймаслик лозим:

- «тиклаш» ва «омон қолиш»га урғу бермаслик;

-бозор ва демократияни ижтимоий адолатга нисбатан қарама-қарши қўймаслик;

-давлат ва бозорни бир-бирига нисбатан қарама-қарши қўймаслик;

-жамиятнинг алоҳида битта ижтимоий гуруҳига (камбағаллар, тадбиркорлар ва бошқалар) устувор эътибор бермаслик;

-иқтисодий сиёсатни миллий ҳисоблар тизими кўрсаткичлари билан боғлиқ равишда шаклландирмаслик.

Модернизация дастури мамлакатнинг жаҳондаги иқтисодий ва сиёсий мавқеини тиклаш, ислохотларнинг ижтимоий харажатларини минималлаштириш ва молиявий инқироз хавфини пасайтириш имконини беради.

Ўтиш иқтисодиёти мамлакатлари иқтисодиётининг барқарор ўсиш суръатларига устун даражада юқори жамғариш нормаси, иъни ЯИМда юқори инвестициялар улуши эвазига эришилади.

Ривожланишнинг бу тоифаси *қувиб етадиган модернизация* номини олган. +увиб етадиган модернизациялашнинг асосий масаласи - миллий хусусиятлар ва замонавий цивилизация тараққиётининг умумий қонуниятлари нисбатидир. Юқори натижаларга эришган мамлакатларнинг тажрибасини кўрсатишича, миллий хусусиятларнинг сақлаб қолиниши ва моҳирона фойдаланилиши модернизацияда муҳим роль ўйнайди.

Модернизациялаш сиёсати муваффақиятининг муҳим шарти бозор ва демократик институтларнинг шаклланиши ҳисобланади.

Жаҳон амалиётининг кўрсатишича, модернизациялашга икки йўл билан эришиш мумкин. Биринчиси - бу давлатнинг иқтисодиётни тартибга солишдаги юқори ваколатининг тикланиши, миллий иқтисодиётни хорижий рақобатдан ҳимоя қилиш ва иқтисодиёт ривожланишининг устувор йўналишларида ресурсларни жамлаш. Иккинчиси-бу бозор механизмларининг ҳар томонлама ривожланиши ва бозор иқтисодиётига мос давлатни шакллантириш мақсадида мамлакат иқтисодиётини жаҳон хўжалигига интеграциялашувини таъминлаш.

Биринчи йўл ўзининг жозибадорлиги билан бирга айрим камчиликларга ҳам эга:

- ресурсларни давлат томонидан тақсимлаш бозор механизмига нисбатан самарасиз ҳисобланади;

- замонавий иқтисодиёт ҳаракатчан ва ўзгарувчанлиги билан ажралиб туради. У қарорларни тез қабул қилишни, яъни ваколат ва жавобгарликнинг марказлаштирилмаслигини тақозо этади.

Жаҳон тажрибаси кўрсатишича, ҳозирги шароитда фақатгина бозор механизмлари модернизацияни амалга ошириши мумкин, у юқоридан буйруқ орқали киритилмайди, чунки модернизациялаш устун даражада иқтисодий субъектлар инновация фаолиятининг натижаси ҳисобланади. Ушбу ҳолатни жаҳоннинг турли мамлакатл-рида «иқтисодий эркинлик индекслари» ёрдамида амалга ошириладиган махсус таҳдидлар тасдиқлайди. Ушбу индекслар иқтисодиётни давлат томонидан тартибга солиш даражасини характерлайди ва тадбиркорларга тушаётган солиқ юкининг умумлашган кўрсаткичлари, ички бозорни хорижий рақобатдан протекционистик ҳимоя қилиш индикаторларини ифодалайди. Аксарият ҳолларда иқтисодий эркинлик индекслари юқори бўлган мамлакатлар юқори иқтисодий ривожланиш кўрсаткичларига эришадилар.

Иқтисодиётни модернизациялашда саноат сиёсати муҳим ўрин тутати. Саноат сиёсати - бу ишлаб чиқаришнинг ўсишига, фан-техника ютуқларини ишлаб чиқиш ва жорий этишга, иқтисодиётнинг тармоқ таркибини яхшилашга ва тайёр маҳсулот экспортини ривожлантиришга қаратилган давлатнинг узок муддатли чора-тадбирлар мажмуидир.

Саноат сиёсати моделларидан кенг тарқалган икки турини ажратиб кўрсатиш мумкин. Биринчиси - ғарбий Европа модели ҳисобланиб, унда асосий урғу таркибий сиёсатга берилади. Бунда истиқболли тармоқларни ривожлантириш ва зарар келтирувчи тармоқларни тугатиш орқали мавжуд таркибнинг аста-секин яхшиланиши назарда тутилади. Ушбу модель ғарбий Европанинг йирик мамлакатлари иқтисодиёти таркибининг юқори диверсификацияланишуви билан характерланади.

Саноат сиёсатининг иккинчи модели - «Шарқий Осиё» модели деб аталиб, юқори технологияли тармоқларни қўллаб-қувватлашга йўналтирилган. Саноат сиёсатининг ушбу модели асосида иқтисодий ўсишнинг, биринчи навбатда, фан-техника ютуқлари ва юқори технологияларни ўзлаштиришга (инновацияларга)

боғлиқдиги ётади.

Саноат сиёсатини амалга ошириш механизмида қуйидаги воситалардан фойдаланилади:

- тўғридан-тўғри давлат инвестициялари;
- субсидиялар;
- солиқ ва бошқа молиявий дастаклар.

Саноат сиёсатида амалга ошириш воситалари ўртасида қуйидаги жиҳатлар муҳим аҳамият касб этади:

-ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш ва компаниянинг инновацион фаоллигини рағбатлантирувчи рақобатчилик муҳитини яратиш;

-янги маҳсулотлар ва юқори технологияларнинг яратилиши, ызлаштирилиши ва тарқалишини таъминловчи кенг ташкилий-иқтисодий тармоқни шакллантириш

3. Ишлаб чиқариш корхоналарида инновацион фаолиятни ташкил этиш

Ишлаб чиқариш корхоналарида инновацион фаолиятни ташкил этишнинг кўплаб аниқ шакллари бўлишига қарамасдан унинг қуйидаги асосий шакллари ажратиш мумкин: маъмурий-хўжалик, дастурий мақсадга қаратилган ташаббускорлик.

Инновация жараёнининг энг оддий модели, машхур олим Б. Сантонинг фикрича, жами жараёни мантикий равишда алоҳида, функционали (структурали) қисмларга ёки босқичларга бўлиш натижасидир.

Биринчи босқич-фундаментал тадқиқот: академик институтларда, олий укув юртларида, тармоқларнинг ихтисослашган институтларида ва лабораторияларда ишлаб чиқилган концепциялар, назариялар ҳисобланади. Фундаментал тадқиқотлар асосан, қайтармаслик асосида давлат бюджети томонидан молиялаштирилади.

Иккинчи босқич амалий характердаги тадқиқотлар: машина ва асбоблар, махсус муаммоларни ҳал қилиш, имкониятларни баҳолаш. Тадқиқотлар амалий йўналишга эга ва барча илмий ташкилотларда амалга оширилади ва ҳам бюджет ҳисобига (давлат илмий дастурлари), ҳам ушбу лойиҳалар буюртмачиси ҳисобига молиялаштирилади. Амалий тадқиқотлар натижалари доимо олдиндан айтиб бўлинмаслиги ва ноаниқлик билан боғлиқ бўлганлиги учун инновация жараёнининг айнан ушбу босқичидан қўйилган маблағларни йўқотиш хавфи пайдо бўлади.

Учинчи босқичда - тажриба-конструкторлик экспериментал ишлаб чиқаришлар амалга оширилади. Улар ҳам ихтисослашган лабораториялар, конструкторлик бюрolariда, тажриба ишлаб чиқаришда, шунингдек йирик саноат корхоналарининг илмий ишлаб чиқариш бўлинмаларида амалга оширилади. Ушбу босқичда молиялаштириш манбалари иккинчи босқичдагидек бўлади., шунингдек, ташкилотларнинг ўз маблағлари ҳам жалб қилинади.

Тўртинчи босқичда тижоратлаштириш жараёни амалга оширилади, яъни олинган янгилик билан уни ишлаб чиқаришга жорий этишга ўтиш инновацион фаолиятнинг асосий мақсадидир.

Инновация фундаментал тадқиқотлардан бошланади ва инновация маҳсулотидан фойдаланиш билан тугайди.

Инновациянинг ҳажмига келадиган бўлсак, у технологик даража, мослашиш қобилияти ва ташқи иқтисодий шароитларга функционал боғлиқ ҳолда ўзгаради.

Бошқарув қарори-менежмент тизимида аниқ мақсадга эришиш йўлида кўпдан-кўп вариантлардан муқобили танланиб, прогнозлаш, мослаштириш, иқтисодий асослаш натижасида қабул қилинади.

Бошқарув қарорларни майдонга келтирадиган асосий сабаб муаммони бартараф этиш, унга жавоб излаш ёки уни ечиш зарурияти, яъни келажакда объект (ҳодиса)нинг ҳақиқий ўлчамлари муддаодаги, қутилган, прогноз қилинган ўлчамларга

яқинлаштиришдир.

Муаммони ҳал қилиш, ечимини топиш учун қуйидаги саволларга жавоб топиш зарур:

- ҳояни руёбга чиқариш, муаммони ҳал қилиш нима учун керак;
- истеъмолчиларнинг янги эҳтиёжларини ёки эски эҳтиёжларини қондириш учун қандай сифат даражаси керак;
- қандай технология бўйича фаолият юргизиш лозим;
- қандай ишлаб чиқариш чиқимлари сарфланиши керак;
- қанча миқдорда;
- вазифа қайси муддатда бажарилиши керак;
- вазифани бажарилиш жойи, ишлаб чиқариш бинолари қаерда;
- истеъмолчи ким;
- махсулот нархи ва у қачон етказиб берилиши керак;
- умуман олганда махсулотнинг ижтимоий фойдалилиги қандай;

Комплекс муаммоларни расмийлаштириш, яъни объектнинг амалдаги ва кутилаётган ҳолатлари ўртасидаги фарқни аниқлаш, шунингдек, муаммони ҳал қилиш учун уни таркибий таркибий қисмларга ажратиш лозим.

Муаммони ечиш учун зарур бўладиган ресурслар чекланганлиги сабабли муаммоларни уларнинг долзарблиги, тутган ўрни, риск даражаси, аҳамияти бўйича тартиблаш лозим. қарорларни сифатини ошириш учун уларни қуйидаги белгилар бўйича тавсифланади:

- товарнинг ҳаётийлик цикли босқичи (стратегик маркетинг, ИТТКИ ва б.);
- менежмент тизими таркибидаги кичик тизим (мақсадли, таъминловчи ва б.);
- мақсад (коммерция ва но коммерция қарорлари);
- бошқариш даражаси (юқори, ўрта, қуйи);
- миқёси (комплекс ва хусусий қарорлар);
- ишлаб чиқаришни ташкил қилиш (жамоавий ва шахсий қарорлар);
- амал қилиш давомийлиги (стратегик, тактик, жорий қарорлар);
- таъсир объекти (ички ва ташқи);
- ифодалаш усуллари (матн, чизма, математик формулалар);
- ифода шакллари (режа, дастур, буйруқ, фармойиш, кўрсатма, илтимос);
- мураккаблиги (стандарт ва ностандарт);
- узатиш (бериш) усули (оғзаки, ёзма, электрон).

Бошқарув сифатига таъсир кўрсатадиган асосий омилларга қуйидагиларни кўрсатиш мумкин:

-менежмент тизимига илмий ёндашувлар ва принциплар, моделлаштириш усуллари тадбиқ этиш, бошқаришни автоматлаштириш, сифатли қарорлар қабул қилишни мотивациялаш ва бошқалар

Одатда ҳар қандай қарорларни қабул қилишда турли даражадаги уч нарсани интуиция, муҳокама ва ақл-идрок (рационаллик) иштирок этади.

Соф интуитив қарор қабул қилишда кишилар «ўзимнинг танловим тўғри» деган фикрга, ўз ички хисларига асосланади. Бу ўринда «олтинчи сезги», одатда ҳокимиятнинг олий бўғини вакиллари вакиллари миёсига гўё ялт этиб келган янги фикр иштирок этади. Ўрта бўғин менежерлари кўпроқ ўзлари эга бўлган ахборотларга ва ЭХМ ёрдамига таянадилар. Гарчи тажриба ортиши билан интуиция ривожланиб боришига қарамай, фақат унга асосланадиган менежер тасодифлар қулига айланиб қолади ва статистика нуқтаи назаридан унинг тўғри етказиб берилиши эҳтимоли анча паст бўлади.

Муҳокамаларга асосланган қарорлар кўп жihatлари билан интуитив қарорларга ўхшайди, балки шу сабабданми, бир қарашда улардаги мантиқ кучи сезилмайди. Лекин, барибир уларнинг негизида билим ва мулоҳазалар, ўтиш тажрибаси туради. Улардан фойдалангил, соғлом ақлга таянган ҳолда, бугунги кун киритиладиган тузатишлар билан, илгариги даврда худди шундай ҳолатларда энг яхши натижа берган вариант

танланади. Аммо одамларда зукко ақл кам учрайди ва шу сабабли қарорлар қабул қилишнинг бу усули, гарчи тезкорлиги ва арзонлиги билан диққатга сазовор бўлса-да, хамиша ҳам ишончли бўлавермайди.

Унинг яна бир ожиз томони шундаки, муҳокама предметининг илгари юз бермаган, учрамаган вазият билан қиёслаш мумкин эмас ва шу сабабли хали уни хал қилиш бўйича тажриба йўқ. Бундан ташқари, бундай ёндашувда раҳбар аксарият ўзи яхши билган йўналишларда ҳаракат қилишга интилади, натижада, бошқа соҳага киришдан онгли ёки онгсиз бош тортгани ҳолда ундаги яхши натижани бой бериши мумкин. Қарорлар кишилар томонидан қабул қилинар экан, бу қарорларда уларнинг ижодкори бўлган менежерларнинг шахси, албатта, сезилиб туради. Шу сабабли, қарорларни вазмин, импульсив (лаҳзалик), инерт (суст), таваккал ва эҳтиёткорона турларга бўлинади.

Вазмин қарорларни ўз иши, билдирадиган фикрлар ва уларни текшириб кўришга эътибор билан, танқидий назардан қарайдиган менежерлар қабул қилади. Одатда, улар қарор қабул қилишга киришишдан олдин шаклланган асосий ғояга эга бўлади.

Импульсив қарорлар муаллифлари ғоят хилма-хил ғояларни чекланмаган миқдорда беради. Лекин уларни лозим даражада текшириш, аниқлаш, баҳолашга қодир бўлмайди. Шу сабабли бундай қарорлар етарли даражада асосланган, ишончли бўлмайди, чунки улар «ўйламай-нетмай», «тўсатдан», «бир зўр бериш» билан қабул қилинади.

Инерт қарорлар эҳтиёткорона изланиш натижаси ҳисобланади. Улардан ғояни яратишга қараганда назарий ва аниқлаш ҳаракатлари устунлик қилади, шу сабабли бундай қарорларда новаторлик, янгилик, дадилликни топиш қийин.

Таваккал қарорлар импульсив қарорлардан шуниси билан фарқ қиладики, уларнинг муаллифлари ўз фикрларини батафсил асослашга интилмайдилар, ўзига ишончи катта бўлганидан турли хатарлардан қўрқмасликлари мумкин.

Эҳтиёткор қарорлар менежер томонидан жами вариантларнинг батавсил баҳоланиши, ишга ўта танқидий қараши билан ажралиб туради. Уларни инерт қарорлардан ҳам камроқ даражада янгилик ёки дадилликка эга бўлади.

Хулоса ва таклифлар

Иқтисодиётни модернизациялаш жараёнида давлатни илмий-техника сиёсатининг моҳияти республика ички талабини тез қондирадиган, жаҳон бозорида рақобатбардош бўла оладиган, иқтисодиёт тармоқларини тубдан янгиланишига имкон берадиган илмий технологик тадқиқотларга, инновацион жараёнларга қўмаклашишдир.

Шуни унутмаслик керакки, ҳар қандай инновацион жараён етарлича нисбийдир. Амалий жараёнда босқичлар орасида аниқ чегара йўқ, турли хил фаолиятлар ўзаро ҳамоҳанг бўлиб ва бир пайтнинг ўзида оширилади.

Масалан, илмий изланишлар жараён тамом бўлгунча давом этади, фақат бошланғич босқичда улар асосий ролни ижро этиб ва кенг масштабда олиб борилади. Кейинчалик улар асосий фаолиятга нисбатан ёрдамчи функцияни амалга оширади. Цикл охирига яқинлашган сари ҳар бир босқичнинг мақсади аниқ тасвирга эга бўлиб боради.

Тажриба-конструкторлик ишлари амалий изланишларни моддийлаштириб, аниқ техника турларини яратишга йўналтирилади. Кейин аниқ маҳсулот ўзлаштириш ва уни горизонтал бўйича тарқатиш босқичи бошланади. Ундан ташқари, агар радикал инновациялар (яъни, технология ва маҳсулотга туб ўзгаришлар киритадиган) фақат фундаментал илмий янгилик ва ихтиролар (яъни, фундаментал изланишлар босқичи) яратилганда, модификациялангани эса, (яъни, мавжуд технология ва маҳсулотларни такомиллаштириш) ихтиёрий босқичда, ҳаттоки жорий ишлаб чиқариш жараёнида ҳам

яратилиши мумкин.

Инновацион жараён, юқорида аниқлангандек, алоҳида босқичлар мажмуидан иборат бўлиб. Технология, техник ғояни илмий ишлаб чиқариш, уни саноатда фойдаланиш даражасига олиб бориш, янги маҳсулот олиш, уни тижоратлаштиришга, умумий жараённинг самарадорлиги ҳамма босқичлар бир бутун ҳолда мужассамлашганлигига боғлиқ.

Инновацион жараёнлар ишлаб чиқарувчиларнинг жами илмий-техника, ишлаб чиқариш, маркетинг фаолиятига сингиб кетадиган жараён сифатида қаралиши керак ва охир-оқибат истеъмолчилар талабини қондиришга қаратилиши, яъни, бозорга йўналтирилган янгилик жорий этиш билан боғлиқ бўлган ҳамма босқичлар муҳим аҳамият касб этиш лозим.

Ҳар бир янгилик илмий-техник ғояни тўғилишидан бошланади, бунда ғоя иккита хусусиятга эга бўлади: янгилик ва бозор истеъмоли потенциали борлиги. Инновация борасидаги янгиликлар шуни кўрсатадики 75-85% инновациялар бозор талаби борлиги учун амалга ошади. АҚШ эксперт фирмаларининг текшируви натижаларига асосан, бу ғояларнинг тахминан 80% ни амалга ошиши бекор қилинади, қолган 20% янгиликларни тижорат қиммати ва амалга ошиш эҳтимоли ортади. Ҳатто ушбу 20% янгиликларнинг амалга ошиш эҳтимоли техник ёки мотивий маблағ етишмаслиги сабабли айрим лойиҳалар тўхтаб қолади.

Шу сабабдан инновацион жараён самарадорлигини таъминлаш учун биринчи даражада шундай ташкилий шаклларни топиш керакки, унда ҳар бир босқич натижаси кейинги босқичнинг ҳаракатига хизмат қилсин. Жараённинг узлуксизлигини, мослашувчанлигини ва ҳаракатчанлигини таъминловчи босқичлар боғланиши ҳам муҳим аҳамиятга эга. Фақат шундагина инновацион жараён механизми самарали бўлади.

Албатта бундай жараённи инвестициясиз амалга ошириб бўлмайди. Демак, тараққий топган иқтисодиётни ривожланишини инновация ва инвестициясиз тасаввур этиб бўлмайди.

Инновацион-инвестиция фаолиятни юритиш учун ҳозирги имкониятлардан фойдаланган ҳолда, хусусий тадбиркорлик ва кичик бизнесни ривожлантириш керак. Чунки кичик бизнес тез суръатларда фан ютуқларини, иновация ва янги техникани ўзлаштира олиш, янгилик ва ихтироларни ташкил этиш ва жорий эта олиш хусусиятига эга.

Турли фирмалар томонидан ишлаб чиқилган, бозорда рақобат қилувчи маҳсулотлар, ўзининг техник параметрларига кўра, кам фарқ қилади. Асосий омил бўлиб, рақобат курашида нарх бўлиб қолади. Хусусан, нарх омили амалда бозорга майда фирмаларни кириб келишини тўсади, қайсики ўз фаолияти учун янги технологик йўналиш кидиришга мажбур. Бундай йўналиш изланиши эса, янги инновацион циклнинг бошланишига туртки бўлади.

Юқоридагилардан шундай хулоса қилиш мумкинки, инновацион жараённи, бозорда янгиликни олиб кириш орқали жамият талабларини қондиришга йўналтирилган илмий технологик, ишлаб чиқариш, маркетинг фаолиятининг ҳамма жабҳаларида кириб боровчи жараён сифатида тасаввур қилиш мумкин. Демак, инновацион жараён, бу жамиятнинг янада замонавий талабларини қондириши ва илмий-техник янгилиги бор бўлган маҳсулотларни бозорга таклиф қилиш жараёнидир.

Реферат бўйича олиб борилган тадқиқотлар натижасида ишлаб чиқариш корхоналарида инновацион жараёнларни ташкил этишнинг кўплаб аниқ шакллари бўлишига қарамасдан унинг қуйидаги асосий шакллари ажратиш мумкин: маъмурий-хўжалик, дастурий мақсадга қаратилган ташаббускорлик.

Инновация фундаментал тадқиқотлардан бошланади ва инновация маҳсулотидан фойдаланиш билан тугайди.

Инновациянинг хажмига келадиган бўлсак, у технологик даража, мослашиш

қобилияти ва ташқи иқтисодий шароитларга функционал боғлиқ ҳолда ўзгаради.

Ҳозирги кунда АҚШда, айниқса ғарбий Европада, аввало, Франция ва Германияда илмий техника сиёсатини инновация сиёсатига айлантириш содир бўлмоқда, бунда асосий вазифа, аввало, илмий ва технологик инновациялар учун энг қулай шароит яратиш ҳамда ўрта ва узоқ муддатли дастурлар соҳасида диверсификацияни тезлатиш кўзланмоқда.

Чет элда (биринчи иавбатда АҚШ, Япония, Ғарбий Европа мамлакатларида) ИТТКИни молиялаш тизими маблағлар тушумининг кўплаб турлари борлиги билан характерланади. Молия субъектларидан қуйидагиларни кўрсатиш мумкин:

- давлат (давлат бюджети, ёки махсус фондлар орқали тушадиган ҳукумат идоралари тасарруфидаги маблағлар);
- олий ўқув юртлири;
- нотижорат ташкилотлар (даромадсиз соҳа);
- чет эл капитали.

Турли мамлакатларда у ёки бу маблағ манбаларининг солиштирма миқдори бир хил эмас, лекин сўзсиз биринчи икитасининг ҳиссаси кўпроқ. Ривожланган мамлакатларда фанга қилинган харажатлар динамикаси улар бекиёс ўсганлигидан далолат беради.

ИТТКИни молиялашда давлатнинг қатнашиши кўплаб ривожланган капиталистик мамлакатларда етарли даражада фаол бўлиб, уни асосан давлат ташкилотлари бажарадилар. Ҳозирги пайтда А+Шда бундай харажатларнинг федерал ҳукумат (молия манбаи сифатида) қисми ҳамма харажатларнинг 50% дан сал озроғини ташкил қилади. -Буюк Британияда, Швеция ва ГФРда - 40% атрофида, Францияда - 57%, Японияда - 28%. Давлат томонидан ИТТКИ соҳасига бундай катта эътибор ва қўллаб-қувватлаш қонунийдир ва бу қатор далиллар орқали тушунтирилади.

Аввало, давлатнинг фундаментал изланишларга молиявий ёрдами таъкидлаб ўтамиз. фундаментал изланишлар АҚШда ҳамда дунёнинг бошқа ҳамма ривожланган мамлакатларида асосан давлат ҳисобига (80% ортиқроқ) бюджетдан молиялаш асосида олиб борилади. Уларни олиб бориш катта таваккалчилик билан боғлиқ бўлиб, харажатлар, натижалар ва қайтарилиш муддатлари ўта ноаниқдир ҳамда энг янги ахборотлар ўғирланишидан кўрқиб (чунки фундаментал изланишлар натижаларини ҳар доим ҳам патентлаб бўлмайди), хусусий бизнес фундаментал фанларга унча хоҳламасдан маблағ кўяди. Шунинг учун ривожланган мамлакатларда давлат фундаментал изланишларни маблағ билан таъминлайди. У яна амалий изланишлар соҳасининг ривожланишидан ҳам манфаатдор, чунки натижалар тармоқлараро характерга эга бўлиб, улар ноаниқлиги туфайли бизнес маблағ билан таъминламайди ва ниҳоят, давлатнинг тажриба-конструкторлик тадқиқотлар соҳасини қўллаб-қувватлашдан ҳам манфаатдорлик омиллари мавжуд. Улар давлат тармоғининг кўпроқ қисми мудофаа манфаатлари, тадқиқот, изланишларга қўлланилади. Молиялашда давлатнинг қатнашиши ва саноат танглиги пайтида бошланган ИТТКИни қўллаш ёки бошқа хусусий компаниялар учун ноқулай бўлган ҳолатларда зарур бўлади.

Илмий техника тараққиётининг объектив ҳаракати ва тузилишидаги ўзгаришлар ривожланган давлатлар иқтисодида фан ва ишлаб чиқаришнинг яқинлашувинигина эмас, балки кашфиётларни ва ихтироларни меъёрига етказиш ва тадбиқ қилишни ҳар қандай янгиликларни таваккал, қалтис, лекин келажаги бор кичик ва янги компаниялар томонидан молияланиш ва кредитлаш механизмларини яратишни ҳам талаб қилади. Анъанавий капиталлар ссудаси бозорлари, яъни банклар ва кредит муассасалари, одатда энг оз кредит таваккалига йўналганлиги учун компанияларнинг кредит олиш ҳаракати чекланган бўлади (масалан, мавжуд фирмаларнинг даромад олиш нуқтаи назаридан эҳтимоли кам бўлган лойиҳалари), қимматбаҳо қозғалар бозорига мурожаат қилиш эса амалда имкониятсиз ҳолдир, компаниялар фаолияти даврига қаттиқ талаблар (3-7 йил), унинг активлар миқдори, эмиссия минимал бўлиши, акция чиқариш тадбирлари (унинг нархи юқорилиги) фаолият кўрсатаётган кичик ва янги компанияларнинг фонд бозорига чиқишига тўсқинлик қилади. Шу ва бошқа сабаблар кичик изланувчи ва жорий қилувчи фирмаларнинг фаолиятини венчур (таваккал) капитали томонидан молиялаш, яъни янгича молиялаш усуллариининг пайдо бўлишига олиб келади.

Саноати ривожланган илғор мамлакатлар инновация сиёсатининг замонавий давлат стратегиясига ҳос бўлган бир қатор умумий хусусиятларни санаб ўтиш мумкин:

- илмий тадқиқотларнинг давлат томонидан молияланиши;
- солиқ ва амортизация сиёсатига мос ҳолда ривожланган контракт тизими ёрдамида бизнесга илмий тадқиқотлар учун таъсир ўтказиш;
- университетлар ва давлат илмий марказлари умум миллий аҳамиятга эга илмий тадқиқотларни ўтказиш;
- таълим тизимини молиялаш ва ташкилий такомиллаштириш айниқса юқори малакали кадрлар тайёрлаш;
- илмий техник маълумотларни тарқатиш тизимини янада ривожлантириш.

Юқорида санаб ўтилган саноати ривожланган мамлакатлардаги давлат инновация соҳаси стратегияси умумий томонлари у ёки бу даража Ўзбекистон шароитида қўллаш мумкин. Бу ўринда албатта илгари тўпланган тажриба анъана ва ҳукуматнинг мавжуд имкониятларини ҳисобга олиш керак бўлади.

Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози ўтиш иқтисодиёти мамлакатларида модернизация жараёнларига ўз таъсирини ўтказмокда. Инқироз таъсирини тегишли модернизация сиёсатини ишлаб чиқишда эътиборга олиш зарур.

Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози ўрта ва узоқ муддатда жиддий салбий оқибатларга эга бўлиши, жаҳон иқтисодиёти ва халқаро молия муносабатларда туб ўзгаришларга олиб келиши ҳамда модернизация жараёнларини мураккаблаштириши мумкин.

Биринчидан, жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози глобализация жараёнининг ижобий томонлари билан бирга салбий оқибатларини намоён қилмокда. Аввалги молиявий инқирозлар аксарият мамлакатларни бюджет ва жорий операциялар счёти камомадини чеклаш, валюта захираларини жамғариш ва миллий фаровонлик фондларини яратиш каби масъулиятли макроиқтисодий сиёсат олиб боришга мажбур қилди.

Иккинчидан, инқироз даврида ривожланган ва ривожланаётган мамлакатларда тизимли рискларни аниқлаш, уларни бошқариш ва макродаражада пасайтириш чора-тадбирларини кўриш лозим.

Учинчидан, инқироз қатор мамлакатларда бозор иқтисодиёти принципларига нисбатан аҳолининг ишончсизлигини уйғотди. Жумладан, қисқа муддатли дастурни амалга оширишда давлатнинг роли кучайди. Иқтисодиётни давлат томонидан тартибга солиш зарурияти ва самарасиз аралашувини аниқ белгилаб олиш зарур.

Тўртинчидан, инқироз ва инқирозга қарши чоралар дастурни амалга ошириш тажрибаси иқтисодий ресурсларни самарали қайта тақсимлаш зарурлигини кўрсатди.

Ўтиш иқтисодиёти мамлакатларида модернизация жараёнларини амалга оширишда ушбу мамлакатларнинг ижтимоий-сиёсий ҳолати ва иқтисодий тизимининг ривожланиш хусусиятларини эътиборга олиш зарур.

Тахлиллар кўрсатишича, ўтиш иқтисодиёти мамлакатларига ҳос институционал хусусиятлар қайд этиб ўтилган муаммоларни ҳал этиш йўллари тўғрисида ҳулосалар чиқариш имконини беради.

Биринчидан, ўтиш иқтисодиётига ҳос қарама-қаршиликларни босқичма-босқич бартараф этиш мамлакатнинг рақобат афзалликларини аниқлаш ва ундан самарали фойдаланишдан иборат.

Иккинчидан, агар бундай афзалликлар мавжуд бўлса, Жаҳон иқтисодий форуми тавсияларига мос келувчи умумий схема ишлай бошлайди.

Учинчидан, сифатли институтларнинг босқичма-босқич шаклланиши жаҳон инқирози шароитида иқтисодиётда йўқотилган позицияларни қисман қайтариш имконини беради.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. – Т.: “Маънавият”, 2009.
2. Каримов И.А. Бизнинг йўлимиз — демократик ислохотларни чуқурлаштириш ва модернизация жараёнларини изчил давом эттириш йўлидир. Ўзбекистон Президенти Ислом Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 19 йиллигига бағишланган тантанали маросимда қилган маърузаси. – “Халқ сўзи” газетаси.
3. Каримов И.А. Ўзбекистон халқига янги йил табриги. – “Халқ сўзи” газетаси.
4. Каримов И.А. 2012 йил ватанимиз тарақиётини янги босқичга кўтариладиган йил бўлди Ўзбекистон Республикаси И.А.Каримовнинг 2011 йилнинг асосий якунлари ва 2012 йилда Ўзбекистоннинг ижтимоий иқтисодий ривожлантиришнинг устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузаси// Халқ сўзи, 2012 йил 20 январь, № 14 (5434).
5. Каримов И.А. Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси- Т.: Ўзбекистон, 2010.
6. Каримов И.А. Баркамол авлод – Ўзбекистон тарақиётининг пойдевори. – Т.: Шарқ, 1998.
7. Каримов И.А. Бизнинг йўлимиз – демократик ислохотларни чуқурлаштириш ва модернизация жараёнларини изчил давом эттириш йўлидир. Президент Ислом Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 19 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузаси. // Халқ сўзи, 2011 йил 8 декабрь.
8. Каримов И.А. Демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини шакллантириш - мамлакатимиз тарақиётининг асосий мезонидир.–Т.: 19.Т. Ўзбекистон, 2011.
9. Каримов И.А. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари. – Т.: Ўзбекистон, 2009.
10. Каримов И.А. Асосий вазифамиз – Ватанимиз тарақиёти ва халқимиз фаровонлигини янада юксалтиришдир. – Т.: Ўзбекистон, 2010.
11. Каримов И.А.«Юксак билимли ва интеллектуал ривожланган авлодни тарбиялаш – мамлакатни барқарор тараққий эттириш ва модернизация қилишнинг энг муҳим шarti» мавзусидаги халқаро конференциянинг очилиш маросимидаги нутқ // Халқ сўзи, 2012 йил 18 февраль.
12. Каримов И.А. Бош мақсадимиз – кенг кўламли ислохотлар ва модернизация йўлини қатъият билан давом эттириш 2012 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ҳамда 2013 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузаси// Халқ сўзи, 2013 йил 19 январ.
13. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони. Иқтисодиёт реал сектори корхоналарининг молиявий барқарорлигини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида. 2008 йил 18 ноябрь, ПФ-4053-сон.
14. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони. Иқтисодиётнинг реал сектори корхоналарини қўллаб-қувватлаш, уларни барқарор ишлашини таъминлаш ва экспорт салоҳиятини ошириш чора-тадбирлари дастури тўғрисида. 2008 йил 28 ноябрь, ПФ-4058-сон.

15. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қарори. Ишлаб чиқариш ва ижтимоий инфратузилмани янада ривожлантириш юзасидан қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида. 2009 йил 20 январь, ПҚ-1041-сон.
16. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қарори. «Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили» Давлат дастурини кучга киритиш тўғрисида. 2009 йил 26 январь, ПҚ-1046-сон.
17. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қарори. Озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқаришни кенгайтириш ва ички бозорни тўлдириш юзасидан қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида. 2009 йил 26 январь, ПҚ-1047-сон.
18. Румянцова А.А. Менеджмент инновации. Как научную разработки довести до инновации: Учебное пособие. – Санкт Петербург, 2007. 410 с.
19. Н.В. Рычкова “Маркетинговые инновации” Учебник – М.: КНОРУС, 2009, - 45-51 с.
20. “Государственно – частное партнерство в научно инновационной сфере” / Под ред. А.К. Казанцева, Д.А. Рубальтера. – М.: ИНФРА – М, 2009, - 30-33 с.
21. “Инновационный тип развития экономики” Учебник. / Под общей ред. А.Н. Фоломьева. М.: РАНС, 2008, - 38-48 с.
22. Вертакова Ю.В., Симоненко Е.С. “Управление инновациями: Теория и практика”. Учебник М.: Высшее экономическое образование, 2008, - 41-47 с.
23. Р.А. Фатхудинов . «Инновационный менеджмент: Классификация, структуры и отличительные черты инновационных организаций; Экономические законы, законы организации, научные подходы и принципы и др.»: Учебник для вузов Изд. 5-е, испр., доп. «Питер» , 2010.
24. Мухамедьяров А.М. “Инновационный менеджмент” Учебник – М.: Инфра – М, 2010, - 21-32 с.
25. Васильева Л. Н., Муравьева Е. А. Методы управления инновационной деятельностью. – М.: КНОРУС, 2005.
26. Инновационный менеджмент. Под ред. В. М. Аньшина, А. А. Дагаева. – М.: Дело, 2003.
27. Инновационный менеджмент. Под ред. д.э.н., проф. Л. Н. Оголевой. – М.: ИНФРА-М, 2009.
28. Круглов М.Т. Инновационный проект: управление качеством и эффективностью. Учебное пособие. - М.: Дело АНХ, 2009, - 336 с.
29. Барышева А.В. и др. Инновации: Учебное пособие. /Болдин К.В., и другие. - М.: Дашков и К, 2008, - 382 с.
30. Л.П. Гончаренко “Инновационный менеджмент”: учебное пособие/М.: КНОРУС, 2009, - 544 с.
31. Л.Н. Оголева Инновационный менеджмент: Учебное пособие / Под ред. д.э.н., проф. Л.Н. Оголевой. - М.: ИНФРА-М, 2008, - 238 с.
32. Ф.Эргашев, Д. Рахимова, А. Сагдуллаев, О.Парпиев, Ш. Зайнутдинов «Инновацион менеджмент. Дарслик». Тошкент ,«Академия». 2008, 230 б.
33. Васильева Л. Н., Муравьева Е. А. Методы управления инновационной деятельностью. – М.: КНОРУС, 2005.
34. Инновационный менеджмент. Под ред. В. М. Аньшина, А. А. Дагаева. – М.: Дело, 2003.
35. Инновационный менеджмент. Под ред. д.э.н., проф. Л. Н. Оголевой. – М.: ИНФРА-М, 2009.
36. Круглов М.Т. Инновационный проект: управление качеством и эффективностью. Учебное пособие. - М.: Дело АНХ, 2009, - 336 с.
37. Барышева А.В. и др. Инновации: Учебное пособие. /Болдин К.В., и другие. - М.: Дашков и К, 2008, - 382 с.
38. Л.П. Гончаренко “Инновационный менеджмент”: учебное пособие/М.:

КНОРУС, 2009, - 544 с.

39. Л.Н. Оголева Инновационный менеджмент: Учебное пособие / Под ред. д.э.н., проф. Л.Н. Оголевой. - М.: ИНФРА-М, 2008, - 238 с.

40. Феликс Я. Эпоха инноваций. Пер с англ. – М.: ИНФРА-М, 2008.

41. www.stana-oz.ru.

42. www.gmpr.ru.

43. www.ebrd.com

44. www.aup.ru